

«Қани, истиғфор айтувчи борми? Уни мағфират қилурман. Қани, ризқ сўровчи борми? Унга ризқ берурман. Қани, мубтало борми? Унга офият берурман. Фалончи қани? Пистончи қани?» дейди», дедилар».

Ибн Можа ривоят қилган.

Ҳазрати Алидек улуғ саҳобий бунчалик аҳамиятли гапни ўзларидан чиқариб айтмайди. Албатта, бу ҳақда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан бир нарса эшитганлар ва ўша эшитганларини ўз иборалари билан ифода этганлар.

Ушбу ривоятдан Шаъбон ойининг қоқ ярмининг кечаси ҳам, кундузи ҳам улуғ ва баракотли вақтлар эканлиги келиб чиқади.

Шу сабабдан ҳам ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг тавсияларига биноан, кундузни рўза, кечасини бедорликда, ибодат билан ўтказишга ҳаракат қилиш керак бўлади.

تَاذَمَّ لَسَوْهَ لَعَلَّ لَيْلِي بِنِّ لَأْتِدَقَفُ : تَلَاقَ أَوْهَ لَعَلَّ لَيْلِي صَرَّ شَيْءٌ أَعْنَعُ
أَي : لَأَقُفَ لَعَلَّ لَيْلِي سَأَرْعِي قَبْلَ بَابٍ وَهُوَ إِذْ إِفٍ ، هُؤُ بُلْطُ أَتَجْرَحُ فِ لَيْلِي
تَيْتَ أَكَنَّ أَتَنْنَ طُ : تَلُقُ ؟ هُؤُ لَوْ سَرَّوْ كَيْ لَعَلَّ لَيْلِي حَيَّ نَأْنِي فَاخْتَتَنْ كَأُ هُؤُ شَيْءٌ أَع
ءَامَسَ لَيْلِي نَابَعَشْرُ مَرَّةً لَيْلِي لَزْنِي لَعَلَّ لَيْلِي : لَأَقُفَ ، كَيْئَ اسْنَنَ صَعَبُ
دَمْحًا وَوَيْدَمَّرْتَلَاوْ هَجَامُ نُبَاهُ أَوْرَ بَلِّ كَمَنْ غَرَّ شَرَّ دَدَعُ نَمَرَتْ كَأَلُ رُفْعَ يَفِ أَيُّ نَدَلَا

Оиша онамиз розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кечалардан бирида йўқотиб қўйдим. Сўнг у кишини излаб, чиқдим. Қарасам, у зот Бақийъда бошларини кўтариб, осмон томонга қараб турган эканлар:

«Эй Оиша, Аллоҳ ва унинг Расули сенга зулм қилишидан хавф қилдингми?» дедилар.

«Сиз баъзи аёлларингизга боргансиз, деб гумон қилган эдим», дедим.

«Албатта, Шаъбоннинг ярмидаги кечада Аллоҳ дунё осмонига тушади ва Калбнинг қўйлари жуни ададидан кўпроқни мағфират қилади», дедилар».

Ибн Можа, Термизий ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Бақиъ – Мадинаи Мунавварадаги машҳур қабристон. Мадинада вафот этган барча саҳобалар шу қабристонга дафн этилганлар.

«Калб» – машҳур араб қабиласи бўлиб, Бани Калб қабиласи ўша вақтда энг қўйи кўп қабила бўлган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Шаъбон ойининг яримида Аллоҳ таоло жуда ҳам кўп гуноҳларни мағфират қилишини ифодалаб, ана шу қўйларнинг жуни ададидан ҳам кўпроқ, деб эсга олганлар.

Ўйлаб кўрадиган бўлсак, бир дона қўйнинг жун толаларини санаб, саноғига етиб бўлмайди. Араб қабилалари ичидаги энг кўп қўйли қабиланинг барча қўйларининг жун толаси қанча бўлишини тасаввур қилаверинг. Бу эса ўша кечанинг жуда ҳам фазилатли эканлигига далолатдир.

هَلَلْنَا نِجْلًا قَمَلًا وَسَوَّيْنَا عَجَلًا لِيَصَّيْبَنَّ لَنَا عُنُقُ هَلَلِي ضَرَّ سَوْمِي بَأْنَعٍ
وَأَكْرَسُ مِلَّالِي هَلَلِي خَعِي مَجْلُ رَفْعِي فَانَابَ عَشْرٌ مِمَّنْ فَصَّ لَنَا لَيْلِي فَعُلَّ طَيْلِي
دَمَّ حَأْوٌ وَهَجَامٌ نُبَاهُ أَوْرِي نَحْأَشْمُ

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ Шаъбоннинг ярмидаги кечада қараб, жамики махлуқотларини мағфират қилур. Магар мушрик ва хусуматчи бундан мустаснодир», дедилар».

Ибн Можа ва Аҳмад ривоят қилганлар.

Ушбу ҳадисдан олинандиган фойдалар:

1. Шаъбоннинг ярмидаги кеча фазилатли эканлиги.
2. Мазкур кечада Аллоҳ махлуқотларига назар солиб, ҳаммаларининг гуноҳларини кечириши.
3. Мушриклик ва хусуматчилик ниҳоятда ёмон нарса эканлиги.

Демак, Шаъбон ойи яримлаганда ибодат қилиб, мазкур ваъда қилинган ажру савоб ҳамда мағфиратлардан баҳраманд бўлиб қолиш керак. Ана шундай фазилатли вақтда гуноҳнинг мағфират қилинишига монелик қилувчи мушриклик ва хусуматчиликдан узоқлашиш лозим.

Расули Акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаъбон ойида кўп рўза тутганларини далил қилиб, аллома имом Нававий бу ойда рўза тутишни суннат деб айтганлар: «Шаъбон ойида рўза тутиш суннатдандир» («Ал Мажмуъ шарҳул Муҳаззаб»).

Бароат кечасида аҳамият берилиши лозим бўлган амаллар ҳақида маълумотлар бериб ўтамиз, токи ифрот ва тафритдан сақланиб, бу кечанинг фазилатларига эга бўлайлик:

- Хуфтон ва бомдод намозини жамоат билан адо қилишга эътибор қилиш;
- Бу кечада ибодат қила олмаса ҳам, гуноҳлардан сақланишга қаттиқ эътибор қаратиш. Хусусан, бу кечанинг фазилатларидан маҳрум қиладиган гуноҳлардан сақланиш лозим;
- Бу кечада тавба ва истиғфор айтишга эътибор қилиб, ҳар ҳил бидъатлардан сақланиш;
- Ўзи ва барча уммат учун хайрли дуолар қилиш;
- Тоқат етганича зикрлар, нафллар, тиловати Қуръонлар қилиш;
- Имкон топган киши шаъбоннинг ўн бешинчи куни рўза тутиши. Валлоҳу аълам.

Эслатма: 2026 йилда Бароат кечаси 2 февралдан 3 февралга ўтар кечасига тўғри келади.

Манбалар: «*Ҳадис ва ҳаёт*» китоби 9-жуз, «*Билимсизликнинг шифоси - савол*» китоби 1-жуз.